

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазири ўринбосари


А.Муминов

2022 йил “ 14 ” март

**Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган айрим қонун
ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг
мазмун – моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш
юзасидан навбатдаги йиғилиш**

БАЁНИ № 12

2022 йил 11 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.Муминов – вазир ўринбосари

Қатнашганлар:

Транспорт вазирлиги, ҳудудий
бошқармалар, тизим ташкилотлари
раҳбар ва ходимлари

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-709-сон қарори мазмун – моҳияти ва аҳамияти муҳокамаси.

(Сўзга чиққанлар: Муминов, Орипов, Курбонбоев,... Муминов)

Кун тартибидаги масала юзасидан, Транспорт вазири ўринбосари А.Муминов йиғилишни очиб, мамлакатимизда қонун ҳужжатларининг янгилаши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, ҳаёт тарзига мослаштирилиши, енгиллик ва қулайлик яратилиши борасида изчил ва жадал

ишлар олиб борилаётганлигини, кун тартибига қўйилган конун ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг тегишли моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6243-сон Фармонининг тегишли банди, 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-20-сон қарорининг тегишли банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилиб, амалга киритилганлигини, қарорга мувофиқ, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини очик электрон танловга чиқариш материалларини тайёрлаш, танловни ташкил этиш, унда иштирок этиш, танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш каби ҳаракатларнинг маъмурий регламенти, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини очик электрон танловга чиқариш материалларини тайёрлаш, танловни ташкил этиш, танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижаларини тасдиқлаш ҳамда танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби, иккиламчи ижарага берганлик учун тўловларни амалга ошириш, иккиламчи ижарага бериш шартномасига ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш тартибини назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланганлигини ва бошқаларни баён қилиб, кун тартибидаги масала юзасидан музокара учун сўзни бош юрисконсулт **А.Орипов**га берди.

Кун тартибига киритилган масала юзасидан бош юрисконсулт **А.Орипов** ўз музокара нутқида, қарорга мувофиқ: **деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш тартиби белгиланганлигини**, унга кўра, ҳар йили 1-ноябргача ҳокимликлар деҳқончилик ташкил қилиш учун очик электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлаб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритишини, сессияда маъқулланган лойиҳалар Давлат кадастрлари палатаси томонидан келиши учун “Ўздаверлойиҳа” институтига юборилишини, жисмоний ва юридик шахслар бўш ерлар тўғрисидаги маълумотларни очик танловга қўйиш юзасидан “Е-ИЖАРА” тизимига таклифлар киритиши мумкинлигини, бунда таклифлар 5 иш кунда ўрганилиб кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳокимликларга юборилишини ёки таклиф рад

этилишини, “Ўздаверлойиха” институти ерни жойига чиққан ҳолда ўрганиши ва ер тузиш лойиҳасини тайёрлашини, лойиҳа ваколатли органлар билан келишилишини ва ҳоким томонидан лойиҳа тасдиқланиб, “Ўздаверлойиха” институти томонидан “Е-ИЖАРА” тизими орқали “Е-АУКСИОН” платформасига юборилишини, очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлар, “Е-АУКСИОН” орқали ариза юборилишини, БҲМнинг 1 баравари миқдоридаги закатли махсус ҳисобга киритилишини, (“дафтар”ларга киритилганлардан закат талаб қилинмаслигини), танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов куни соат 10:00 да эълон қилинишини, талабгорларни баҳолаш мезонлари, қуйидагилар эканлигини яъни, улар томонидан яратиладиган иш ўрни, кредит тарихи, мутахассислиги, ўз еридан фойдаланаётганлиги, ишсиз оила аъзолари сони, “дафтар”ларга киритилганлиги, энг кўп балл олган талабгор ғолиб бўлишини, 2 та талабгор бали тенг бўлганида биринчи ариза берган ғолиб бўлишини, ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилишини ва 3 иш кунида ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилишини, шунингдек, қарорга билан, **юримдик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага бериш белгиланганлигини**, унга кўра, ҳокимликлар ҳар йили 1-ноябрча дехқончилик ташкил қилиш учун очиқ электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлашларини ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритилишини, сессияда маъқулланган лойиҳалар Давлат кадастрлари палатаси томонидан келиши учун “Ўздаверлойиха” институтига юборилишини, талабгорлар бўш ерлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ танловга қўйиш юзасидан “Е-ИЖАРА” тизимига таклифлар киритиши мумкинлигини, “Ўздаверлойиха” институти ерни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини тайёрлашини, лойиҳа ваколатли органлар билан келишилишини ва ҳоким томонидан лойиҳа тасдиқланиб, “Ўздаверлойиха” институти томонидан “Е-ИЖАРА” тизими орқали “Е-АУКСИОН” платформасига юборилишини, ерлар қуйидаги ҳажмларда ижарага берилишини, яъни,

- сабзаот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик учун – камида 3 гектар;

- чорва озуқа екинлари учун 1 бош чорвага суғориладиган ерда – камида 0,3 гектар, лалми ерда камида 1 гектар, яйлов ва пичанзорларда – камида 2 гектар;

- пахта ва ғаллачилик учун – камида 30 гектар;

- ғаллачилик ва сабзаотчилик учун – камида 10 гектар;

- сунъий сув ҳавзаларида балиқ йетиштиришга – камида 0,01 гектар.

Очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлар “Е-АУКСИОН” орқали ариза юборилишини, яъни:

- ер 30 гектарча бўлганида БҲМнинг 5 баравари;

- 30 гектардан 100 гектарча бўлганда БҲМнинг 10 баравари;

• 100 ва ундан кўп бўлганда БХМнинг 20 баравари миқдордаги закатни махсус ҳисобга ўтказишини, танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов куни соат 10:00 да эълон қилинишини, энг кўп балл олган талабгор ғолиб бўлишини, 2 та талабгор бали тенг бўлганда биринчи ариза берган ғолиб бўлишини, ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилишини, 3 иш кунида ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилишини ва бошқаларни баён қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан музокара учун сўз етакчи юрисконсулт **Б.Қурбонбоевга** берилди, у ўз нуткида: юқорида баён этилганларни давом эттириб, қарорга мувофиқ: **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби белгиланганлигини**, унга кўра: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқсиз) берилишини, ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи юридик ва жисмоний шахслар ўз ташаббуси билан ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага олувчининг розилиги билан ёзма ёки электрон шаклда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилишини, тузилган иккиламчи ижарага бериш шартномаси Кадастр палатаси томонидан электрон тизим орқали давлат реестрига киритилишини, реестрга киритилганлик учун БХМнинг 5 фоизи миқдорда тўлов ундирилишини, (“дафтар”ларга киритилганлардан тўлов ундирилмаслигини), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар оралик экинларни экиш учун 1 йилгача ижарага берилишини, шартномалар ихтиёрийлик асосида ижарага берувчининг ташаббуси билан ёзма, қоғоз ёки электрон шаклда камида 4 нусхада тузилишини, қуйидаги ҳолларда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишини, яъни,

- мурожаат ваколатиз шахс томонидан имзоланган ёки умуман имзоланмаганида;

- ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса;
- тўлов амалга оширилмаганда;

- ерни иккиламчи ижарага бериш мумкин бўлмаганида, иккиламчи ижара учун тўловлар тарафлар келишувига мувофиқ белгиланишини ва бошқаларни баён қилди.

Мазкур мавзу бўйича презентацион материаллар (слайд, аннотация, флаер) ходимлар учун намоёиш этилди ва тушунтириб берилди.

Кун тартибига киритилган масала атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш иштирокчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, савол жавобларни инобатга олган ҳолда, йиғилиш **қарор қилади:**

Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари:

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни янада пухта билиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга қатъий амал қилиш, амалиётда тўғри тадбиқ этиш ва қўллаш алоҳида эътиборга олинсин;

- қонун ҳужжатининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этиб борилсин;

- юридик хизмат ходимлари томонидан ўз ташкилотларида ходимларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилсин.

- барча ходимлар томонидан, янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти билан танишиб, ўзларининг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришлари лозимлигига эътибор қаратилсин.

Баёни олиб борувчи



Ш.Гаибназарова



DEHQON XO'JALIGINI YURITISH UCHUN YER UCHASTKALARINI IJARAGA BERISHNING MA'MURIY REGLAMENTI

Manba: VMQ-709-son, 24.11.2021-y. @huquqiyaxborot

HAR YILI 1-NOYABRGACHA




Hokimliklar dehqonchilik tashkil qilish uchun ochiq elektron tanlovga chiqarish loyihalarini tayyorlaydi



Jismoniy va yuridik shaxslar bo'sh yerlar to'g'risidagi ma'lumotlarni ochiq tanlovga qo'yish yuzasidan "E-IJARA" tizimiga takliflar kiritishi mumkin

TAKLIFLAR



5 ish kunida o'rganilib kadastr hujjatlarini rasmiylashtirish uchun hokimliklarga yuboriladi yoki taklif rad etiladi

YERGA KADASTR HUJJATI



Kadastr boshqarmasi tomonidan **5 ish kunida** rasmiylashtiriladi va ma'lumotlar "E-IJARA" tizimiga joylashtiriladi

«O'ZDAVYERLOYIHA» INSTITUTI



yerni joyiga chiqqan holda o'rganadi va yer tuzish loyahasini tayyorlaydi



Loyiha vakolatli organlar bilan kelishiladi va hokim tomonidan loyiha tasdiqlanib "O'zdavyerloyiha" instituti tomonidan "E-IJARA" tizimi orqali "E-AUKSION" platformasida e'lon qilinadi

Ochiq tanlovda ishtirok etish uchun talabgorlar



"E-AUKSION" orqali ariza yuboradi



BHMning 1 baravari miqdoridagi zakalatni maxsus hisobga kiritadi ("daftar"larga kiritilganlardan zakalat talab qilinmaydi)



Tanlov talabgorlarining ro'yxati, tanlov takliflari va ularga berilgan ballar **tanlov kuni soat 10:00 da** e'lon qilinadi

Talabgorlarni baholash mezonlari

- ✓ ular tomonidan yaratiladigan ish o'rni
- ✓ kredit tarixi
- ✓ mutaxassisligi
- ✓ o'z yeridan foydalanayotganligi
- ✓ ishsiz oila a'zolari soni
- ✓ "daftar"larga kiritilganligi



Eng ko'p ball olgan talabgor g'olib bo'ladi, **2 ta talabgor bali teng bo'lganida** birinchi ariza bergan g'olib bo'ladi

G'olibga shartnomani imzolash uchun 5 ish kuni beriladi va **3 ish kunida g'olibga yerning aniq chegaralari belgilab beriladi.**



ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

Ҳокимликлар ҳар йили 1 ноябргача



деҳқончилик ташкил қилиш учун **очиқ электрон танловга чиқариш лойиҳаларини** тайёрлайди

Ерлар қуйидаги ҳажмларда ижарага берилади:



сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик учун – **камида 3 гектар**



чорва озуқа экинлари учун 1 бош чорвага суғориладиган ерда – **камида 0,3 гектар**, лалми ерда **камида 1 гектар**, яйлов ва пичанзорларда – **камида 2 гектар**



пахта ва ғаллачилик учун – **камида 30 гектар**



ғаллачилик ва сабзавотчилик учун – **камида 10 гектар**



сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришга – **камида 0,01 гектар**

Манба: 709-сон, 24.11.2021 й.

@huquqiyaxborot

Очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлар “E-AUKSION” орқали ариза юборади



ер 30 гектаргача бўлганида
БҲМнинг 5 баравари



30 гектардан 100 гектаргача бўлганда **БҲМнинг 10 баравари**



100 ва ундан кўп бўлганда
БҲМнинг 20 баравари
миқдоридаги закатни махсус ҳисобга ўтказади

Танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар **танлов куни соат 10:00 да** эълон қилинади

Энг кўп балл олган талабгор **ғолиб** бўлади, **2 та талабгор бали тенг бўлганида биринчи ариза берган ғолиб бўлади**

Ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилади ва **3 иш кунда ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилади**



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИККИЛАМЧИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ

Манба: ВМҚ–709-сон, 24.11.2021 й.

@huquqiyaxborot

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар **оралиқ экинларни экиш учун 1 йилгача** ижарага берилади


Иккиламчи ижарага бериш шартномаси Кадастр палатаси томонидан электрон тизим орқали **давлат реестрига киритилади**



Реестрга киритганлик учун **БҲМнинг 5 фоизи миқдорида** тўлов ундирилади (“дафтар”ларга киритилганлардан тўлов ундирилмайди)

Шартномалар ихтиёрийлик асосида ижарага берувчининг ташаббуси билан **ёзма, қоғоз ёки электрон шаклда** камида 4 нусхада тузилади

Қуйидаги ҳолларда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади:



мурожаат **ваколатсиз шахс** томонидан имзоланган ёки умуман имзоланмаганида



ерга бўлган ҳуқуқ **давлат рўйхатидан ўтказилмаган** бўлса



тўлов амалга оширилмаганда



ерни иккиламчи **ижарага бериш** мумкин бўлмаганида

Иккиламчи ижара учун тўловлар **тарафлар келишувига мувофиқ** белгиланади.



ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

Манба: ВМҚ-709-сон, 24.11.2021 й. @huquqiyaxborot

ҲАР ЙИЛИ 1 НОЯБРГАЧА



Ҳокимликлар деҳқончилик ташкил қилиш учун очик электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлайди



Жисмоний ва юридик шахслар бўш ерлар тўғрисидаги маълумотларни очик танловга қўйиш юзасидан **“Е-IJARA” тизимига таклифлар** киритиши мумкин

ТАКЛИФЛАР



5 иш кунида ўрганилиб кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳокимликларга юборилади ёки таклиф рад этилади

ЕРГА КАДАСТР ҲУЖЖАТИ



Кадастр бошқармаси томонидан **5 иш кунида** расмийлаштирилади ва маълумотлар “Е-IJARA” тизимига жойлаштирилади

“ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА” ИНСТИТУТИ



ерни жойига чиққан ҳолда ўрганеди ва ер тузиш лойиҳасини тайёрлайди

Лойиҳа ваколатли органлар билан келишилади ва ҳоким томонидан лойиҳа тасдиқланиб “Ўздаверлойиҳа” институти томонидан “Е-IJARA” тизими орқали **“Е-AUKSION” платформасида** эълон қилинади

Очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлар



“Е-AUKSION” орқали ариза юборади



БҲМнинг 1 баравари миқдоридagi закатлатни махсус ҳисобга киритади (*“дафтар”ларга киритилганлардан закатлат талаб қилинмайди*)



Танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар **танлов куни соат 10:00 да** эълон қилинади

Талабгорларни баҳолаш мезонлари

- ✓ улар томонидан яратиладиган иш ўрни
- ✓ кредит тарихи
- ✓ мутахассислиги
- ✓ ўз еридан фойдаланаётганлиги
- ✓ ишсиз оила аъзолари сони
- ✓ “дафтар”ларга киритилганлиги



Энг кўп балл олган талабгор ғолиб бўлади, **2 та талабгор бали тенг бўлганида** биринчи ариза берган ғолиб бўлади

Ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилади ва **3 иш кунида ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилади.**



YURIDIK SHAXSLARGA QISHLOQ XO'JALIGI MAQSADLARI UCHUN YER UCHASTKALARINI IJARAGA BERISHNING MA'MURIY REGLAMENTI

Hokimliklar har yili 1-noyabrgacha 



dehqonchilik tashkil qilish uchun **ochiq elektron tanlovga chiqarish loyihalarini** tayyorlaydi

Yerlar quyidagi hajmlarda ijaraga beriladi: 




sabzavot-polizchilik, bog'dorchilik va uzumchilik uchun – **kamida 3 gektar**



chorva ozuqa ekinlari uchun 1 bosh chorvaga sug'oriladigan yerda – **kamida 0,3 gektar**, lalmi yerda **kamida 1 gektar**, yaylov va pichanzorlarda – **kamida 2 gektar**



paxta va g'allachilik uchun – **kamida 30 gektar**



g'allachilik va sabzavotchilik uchun – **kamida 10 gektar**



sun'iy suv havzalarida baliq yetishtirishga – **kamida 0,01 gektar**

Ochiq tanlovda ishtirok etish uchun talabgorlar "E-AUKSION" orqali ariza yuboradi



yer 30 gektargacha bo'lganida **BHMning 5 baravari**



30 gektardan 100 gektargacha bo'lganda **BHMning 10 baravari**



100 va undan ko'p bo'lganda **BHMning 20 baravari** miqdoridagi zakalatni maxsus hisobga o'tkazadi

Tanlov talabgorlarining ro'yxati, tanlov takliflari va ularga berilgan ballar **tanlov kuni soat 10:00 da** e'lon qilinadi

Eng ko'p ball olgan talabgor g'olib bo'ladi, **2 ta talabgor bali teng bo'lganida birinchi ariza bergan g'olib bo'ladi**

G'olibga shartnomani imzolash uchun 5 ish kuni beriladi va **3 ish kunida g'olibga yerning aniq chegaralari belgilab beriladi**



QISHLOQ XO‘JALIGIGA MO‘LJALLANGAN YER UCHASTKALARINI IKKILAMCHI IJARAGA BERISH TARTIBI

Manba: VMQ-709-son, 24.11.2021-y.

@huquqiyaxborot

Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlar **oralik ekinlarni ekish uchun 1 yilgacha** ijaraga beriladi

Ikkilamchi ijaraga berish shartnomasi Kadastr palatasi tomonidan elektron tizim orqali **davlat reestriga kiritiladi**



Reestriga kiritganlik uchun **BHMning 5 foizi miqdorida** to‘lov undiriladi (*“daftar”larga kiritilganlardan to‘lov undirilmaydi*)

Shartnomalar ixtiyoriylik asosida ijaraga beruvchining tashabbusi bilan **yozma, qog‘oz yoki elektron shaklda** kamida 4 nusxada tuziladi

Quyidagi hollarda shartnomani davlat ro‘yxatidan o‘tkazish rad etiladi:



murojaat **vakolatsiz shaxs tomonidan imzolangan** yoki umuman imzolanmaganida



yerga bo‘lgan huquq **davlat ro‘yxatidan o‘tkazilmagan** bo‘lsa



to‘lov amalga oshirilmaganda



yerni ikkilamchi **ijaraga berish** mumkin bo‘lmaganida

Ikkilamchi ijara uchun to‘lovlar **taflar kelishuviga muvofiq** belgilanadi.